

---

## “Кексалар саломатлиги ойлиги” доирасида 525 нафар нуронийлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди

“Кексалар саломатлиги ойлиги” доирасида "Катта янги" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 66-оилавий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ташкил этилди.

Оилавий поликлиника "Катта янги", "Шунқор", "Тўрғай", "Кичик янги", "Эшон" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги жами 17 800 нафар аҳолига, шундан 1205 нафар нуронийларга бирламчи тиббий санитар ёрдам кўрсатмоқда.

Ойлик давомида 525 нафар нуронийлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, текширув натижаларига кўра 125 нафар аҳоли вакиллари бепул дори-дармон билан таъминланди. Аниқланган беморларга амбулатор ва стационар даволанишга йўланма берилди.

Тадбир давомида жисмоний фаолликни ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш юзасидан давра суҳбатлари ўтказилиб, кексаларга тўғри овқатланиш учун зарур тавсиялар бериб борилмоқда.

2023-08-19 19:24:52